

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.К.02.05  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТИЛЛАЕВ ХОЛМАМАТ РАХМОНОВИЧ**

**СУРХОНДАРЁ СУВЛАРИ ТАРКИБИДАГИ БАЪЗИ ОҒИР ВА  
ЗАҲАРЛИ МЕТАЛЛАР ИОНЛАРИНИ АНИҚЛАШНИНГ  
СПЕКТРОФОТОМЕТРИК ВА СОРБЦИОН-ФОТОМЕТРИК  
УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.02 – Аналитик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
chemical sciences**

**Тиллаев Холмамат Рахмонович**

Сурхондарё сувлари таркибидаги баъзи оғир ва заҳарли  
металлар ионларини аниқлашнинг спектрофотометрик ва  
сорбцион-фотометрик усуллари ишлаб чиқиш..... 3

**Тиллаев Холмамат Рахмонович**

Разработка спектрофотометрического и сорбционно-  
фотометрического методов определения ионов некоторых  
тяжелых и токсичных металлов в Сурхандарьинских водах ..... 21

**Tillaev Kholmamat**

Development of spectrophotometric and sorption-photometric  
methods for the determination of ions of certain heavy and toxic  
metals in Surkhandarya waters..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.К.02.05  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТИЛЛАЕВ ХОЛМАМАТ РАХМОНОВИЧ**

**СУРХОНДАРЁ СУВЛАРИ ТАРКИБИДАГИ БАЪЗИ ОҒИР ВА  
ЗАҲАРЛИ МЕТАЛЛАР ИОНЛАРИНИ АНИҚЛАШНИНГ  
СПЕКТРОФОТОМЕТРИК ВА СОРБЦИОН-ФОТОМЕТРИК  
УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.02 – Аналитик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/К275 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада [www.samdu.uz](http://www.samdu.uz) манзилига ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тураев Хайит Худайназарович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Аронбаев Сергей Дмитриевич**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Яхшиева Зухра Зиятовна**  
кимё фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети хузуридаги PhD.03/30.12.2019.К.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг “9” 06 2020 йил соат “14:00” даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, физика-кимё биноси, 3-қават, 305-хона. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: [devonxona@samdu.uz](mailto:devonxona@samdu.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (32 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99866) 239-11-51)

Диссертация автореферати 2020 йил «2» 06 куни тарқатилган.  
(2020 йил «2» 06 даги 4 - рақамли реестр баённомаси)



## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда табиий сувлардаги оғир ва захарли металлларнинг (ОЗМ) микроикдорларини аниқлашда қўлланиладиган кўплаб усуллар мавжуд. Шу билан бирга, ҳозирда кенг тарқалган физик-кимёвий усуллар ҳам намуна таркибидаги макро ва микрокомпонентларнинг анализ натижаларига таъсири, шунингдек, аниқланадиган элементлар концентрациясининг жуда кам бўлиши сабабли ҳар доим ҳам ушбу муаммонинг тўғридан-тўғри ечимини таъминлай олмайди. Мураккаб таркибли эритмалардан элементларни концентрлашда селективлик ва самарадорликни таъминлайдиган сорбцион усуллар ушбу талабларга жавоб беради. Атроф-муҳитдаги ОЗМ нинг микдорини уларнинг рухсат этилган максимал концентрацияси даражасида мониторинг қилиш катта амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда олиб борилаётган илмий изланишларда ОЗМ ионларини концентрлаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича бажарилаётган кенг кўламли тадқиқотлар элементларни ёки элементлар гуруҳини мураккаб кимёвий таркибли эритмалардан ажратиш олишга, уларни аниқлаш чегарасини камайтиришга, макро ва микрокомпонентларнинг таъсирини йўқ қилишга ёки сезиларли даражада камайтиришга имкон беради. Табиий ва оқова сувлар таркибидаги микроэлементларни концентрлаш ва ажратишда кўпинча сорбция усулларидан фойдаланилади. Шунинг учун ОЗМ ионларини аниқлаш учун самарали сорбцион-фотометрик ва спектрофотометрик усулларни ишлаб чиқиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда кимё саноатида янги турдаги материаллар ишлаб чиқариш йўналишида маълум натижаларга эришилди, жумладан маҳаллий бозорни импорт ўрнини босувчи кимёвий реагентлар билан таъминлаш соҳасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, Республикаимизда, инновацион технологияларни тадбиқ этиш орқали саноат объектларини юритишнинг илмий асосланган тизими ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг чора-тадбирларини амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзгартиришга» қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада республикаимизда маҳаллий сорбцион материаллардан фойдаланган ҳолда олдиндан концентрлаш орқали ОЗМ ионларини аниқлашнинг самарали, тезкор ва иқтисодий жиҳатдан арзон усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони ва 2019 йил 3

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

апрелдаги «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4265-сонли Қарори ижросини таъминлашда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё, кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда ОЗМ ионларини оптик, шу жумладан, фотометрик ва спектрофотометрик аниқлаш усулларида кенг фойдаланилади, бироқ анализни бажаришга кўплаб ионлар ҳалал беради, шунинг учун бу усулларнинг натижалари кўпинча етарлича аниқлик ва сезгирликка эга эмас. Атроф-муҳит объектларидаги ОЗМ ионларини уларнинг рухсат этилган максимал концентрацияси даражасида назорат қилишда ўта сезгир ва танланган усулларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Илмий адабиётларда кўплаб олимлар ушбу муаммони ҳал қилиш учун дастлабки сорбцион концентрлаш билан оптик усулларни таклиф қилишган.

Шуни таъкидлаш кераки, ОЗМ ионларининг миқдорини аниқлаш бўйича хорижда энг кўп учрайдиган ишлар, муаллифлар: Moore J., Xagivara K., Muraki I., Shar G. A., Soomro G.A., Guo Y., Friberg L., Nordberg G., Vouk V., Linnik P., Samanidou V., Choi H.S., Qinhan J., Tessier A., Coetzee L., Preez H., Narin I., Soylak M., Desai P., Bing G., Zhaang Z. ва бошқалар, шунингдек, ОЗМ ионларини аниқлашнинг спектрофотометрик усуллари ривожлантиришда МДХ давлатлари олимлари: Алимарин И.П., Бабко А.К., Пилипенко А.Т., Золотов Ю.А., Москвин Л.Н., Саввин С.Б., Шпигун О.А., Иванов В.М., Бусев А.И., Долманова И.Ф., Шпигун Т.Н., Дорохова Е.Н., Василев В.П., Булатов А.В. ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар. Уларнинг тадқиқотлари ОЗМ ионларини концентрлаш ва спектрофотометрик аниқлашга қаратилган.

Уларнинг сафидан замонавий ўзбек олимлари ҳам кенг ўрин олган, шу жумладан, академик Ш.Т.Толипов томонидан Республика ва Ўрта Осиёда аналитиклар мактаби яратилди ва унинг аъзолари ўз ишларини ОЗМларни фотометрик, спектрофотометрик, комплексонометрик, инверсион-вольтамперометрик, амперометрик ва бошқа анализ усулларига бағишлади. Ўзбекистонда ушбу йўналишнинг ривожланиши Бабаев Н.Б., Хамракулов Т.К., Геворгян А.М., Рахматуллаев К.З., Круковская Е.Л., Шестерова И.П., Чапрасова Л.В., Кулматов Р.А., Файзуллаев О.Ф., Турабов Н.Т., Сманова З.А., Насимов А.М., Абдурахманов Э. каби олимларнинг тадқиқотлари билан боғлиқ. Буларнинг барчаси ОЗМ ионларини оптик усуллар билан аниқлашда уларни экологик ва аналитик мақсадда қўллаш учун амалий тадқиқотлар олиб бориш жуда муҳим эканлигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари

режасининг ОТ-Ф7-34 «Комплекс ҳосил қилувчи полифункционал ионитлар синтези ва улар ёрдамида баъзи d- металлларни ажратишнинг назарий асослари» (2017-2020) ва Ф-7-28 «Тўртламчи азот ва фосфор бирикмалари асосида бинар экстрагентлар синтези ва уларнинг нодир металллар билан координацион бирикмалари» (2012-2016) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кадмий (II), қўрғошин (II), мис (II), рух (II), симоб (II), хром (III) ионларини аниқлашнинг спектрофотометрик ва сорбцион-фотометрик усулларини ишлаб чиқиш ҳамда бу металл ионларининг Сурхондарё дарёси сувлари таркибидаги миқдорий тарқалишини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ТФГ-1 ва КФГ-1 ионитлари ёрдамида кадмий (II), қўрғошин (II), мис (II), рух (II), симоб (II) ва хром (III) ионларини сорбцион концентрлаш ва сорбция жараёнининг мақбул шароитларини аниқлаш;

Сурхондарё дарёси сувларида кадмий (II), қўрғошин (II), мис (II), рух (II), симоб (II) ва хром (III) ионларини аниқлаш учун спектрофотометрик ва сорбцион-фотометрик усулларни ишлаб чиқиш;

Сурхондарё дарёси сувидаги ОЗМ ионларини спектрофотометрик ва сорбцион-фотометрик усуллар билан аниқлаш ва таклиф қилинаётган усулларнинг аналитик параметрларини баҳолаш;

ишлаб чиқилган усулларни реал объектлар таркибидаги кадмий (II), қўрғошин (II), мис (II), рух (II), симоб (II) ва хром (III) ионларини аниқлаш учун лаборатория шароитида синовдан ўтказиш ҳамда уларни қўллаш учун турли мураккаб объектларни таҳлил қилишнинг рационал усулларини топиш;

Сурхондарё дарёси сувларидаги ОЗМ нинг тарқалиши ва кўчиш шакллари аниқлаш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида кадмий (II), қўрғошин (II), мис (II), рух (II), симоб (II) ва хром (III) ионлари, Сурхондарё дарёси сувлари, ТФГ-1 ҳамда КФГ-1 ионитлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** ТФГ-1 ва КФГ-1 ионитлари ёрдамида ОЗМ ни сорбцион концентрлаш, Сурхондарё дарёси суви таркибидаги ОЗМ ионларини спектрофотометрик ва сорбцион-фотометрик усуллар ёрдамида аниқлаш жараёнлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот усуллари сифатида фотометрик, спектрофотометрик, ИҚ спектроскопик ва потенциометрик усуллар, шунингдек, олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мис (II), рух (II), кадмий (II), қўрғошин (II), симоб (II) ва хром (III) ионларини КФГ-1 ва ТФГ-1 ионитлари ёрдамида сорбцион концентрлашнинг мақбул шароитлари аниқланган;

илк бор ОЗМ ионларини КФГ-1 ва ТФГ-1 ионитлари билан дастлабки концентрлаш орқали 0,13-19,5 мкг/л кадмий (II), 0,2-7,8 мкг/л қўрғошин (II), 0,1-1,5 мкг/л мис (II), 1-15 мкг/л рух (II), 0,12-4,4 мкг/л симоб (II) ва 0,12-1,8

мкг/л хром (III) ионларини сувли эритмалардан 0,01-0,04 чегарасидаги нисбий стандарт четланиш қиймати билан аниқлашнинг сорбцион-фотометрик ва спектрофотометрик аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган;

ОЗМ ионларининг сувдаги миқдорини аниқлашнинг сорбцион-фотометрик ва спектрофотометрик усуллари кўллаб, мис (II), кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини юза сувларидаги рухсат этилган концентрациясининг ўндан бир улуши даражасида аниқланган;

ишлаб чиқилган усулларнинг тўғрилиги ва такрорланувчанлиги, ионлар миқдорини аниқлаш чегаралари метрологик баҳоланган, шунингдек, ОЗМ нинг Сурхондарё дарёси сувларида тарқалиш ҳамда кўчиш шакллари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** куйидагилардан иборат:

бинар ва мураккаб аралашмалар таркибидаги мис (II), рух (II), кадмий (II), кўрғошин (II), симоб (II) ва хром (III) ионларини аниқлаш учун сезгир, тезкор, иқтисодий жиҳатдан арзон, танловчан сорбцион-фотометрик ва спектрофотометрик усуллар ишлаб чиқилган;

бинар, мураккаб аралашмалар ва табиий сувлар таркибидаги кадмий (II), кўрғошин (II), мис (II), рух (II), симоб (II) ва хром (III) ионларини аниқлаш учун КФГ-1 ва ТФГ-1 ионитлари ёрдамида дастлабки концентрлаш орқали танловчан сорбцион-фотометрик ва спектрофотометрик усуллар ишлаб чиқилган ва мақбул шароитлар аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** фотометрия, спектрофотометрия, потенциометрия, ИҚ спектроскопия каби замонавий физик-кимёвий усуллар билан тасдиқланган. Хулосалар математик статистика усуллари билан қайта ишланган ва тажриба натижалари асосида таҳлил қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мис (II), рух (II), кадмий (II), кўрғошин (II), симоб (II) ва хром (III) ионларини индивидуал эритмалардан, табиий сувлар анализини таъминлайдиган сунъий, бинар ва мураккаб аралашмалардан сорбцион-фотометрик ва спектрофотометрик аниқлаш усули таклиф қилингани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган сорбцион-фотометрик ва спектрофотометрик усулларнинг атроф-муҳит объектларидан мис (II), рух (II), кадмий (II), кўрғошин (II), симоб (II) ва хром (III) ионларини рухсат этилган миқдоргача ва ундан анча паст бўлган концентрацияларни аниқлашга имкон беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** мис (II), рух (II) ва симоб (II) ионларини КФГ-1 ва ТФГ-1 ионитлари ёрдамида дастлабки концентрлаб, спектрофотометрик ва сорбцион-фотометрик аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар натижаларига асосан:

мис (II), рух (II) ва симоб (II) ионларини спектрофотометрик аниқлаш PZ-20170926176 сонли “Сурхондарё вилоятида ерости шўр сувлари таркибидаги йод ва унинг бирикмаларини ажратиш олиш” мавзусидаги (2018-2020 йй) лойиҳада сувни оғир металллардан тозалашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27



январдаги 89-03-333-сонли маълумотномаси). Натижада ер ости шўр сувларини оғир металллар ионларидан тозалаш имконини берган;

оғир захарли металллар ионларини сорбцион-фотометрик ва спектрофотометрик аниқлаш усуллари «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ да амалиётга жорий этилган. («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ нинг 2020 йил 11 мартдаги АА-02019-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган сорбцион-фотометрик ва спектрофотометрик усулларни қўллаб, мис (II), кўрғошин (II) ва симоб (II) ионларини оқова сувлардаги рухсат этилган концентрациясининг ўндан бир улуши даражасида аниқлаш имконини берган;

ишлаб чиқилган сорбцион-фотометрик ва спектрофотометрик аниқлаш усуллари «Petromaruz Overseas LLP» Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги доимий ваколатли корхонасида амалиётга жорий этилган («Petromaruz Overseas LLP» Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги доимий ваколатли корхонасининг 2020 йил 13 мартдаги UZB 01-01/125/1-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган сорбцион-фотометрик ва спектрофотометрик усуллар ёрдамида табиий сувлар таркибидаги оғир захарли металллар ионларининг микромикдорларини аниқлашда анализнинг осон бажарилиши ва сезгирлигини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган, шулардан, 4 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий конференцияларидир.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларида 3 та, жумладан 2 та мақола Республикада ва 1 та илмий мақола халқаро журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш рўйхати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Табиий сувлар таркибидаги оғир захарли металлларни аниқлаш усуллари**нинг замонавий ҳолати” деб

номланган бўлиб, атроф-муҳит объектларида ОЗМ нинг тарқалиши, учраш шакли ва миграцияси, сувли экотизимларда оғир металлларнинг тарқалиши ва ўзгариш жараёнлари, табиий сувлар таркибидаги ОЗМ ионларини сорбция усули ёрдамида концентрлаш ва ажратиш, сувдаги оғир металлларни аниқлашнинг фотометрик ва спектрофотометрик усуллари ҳақидаги адабиётлар шарҳи берилган.

Кимёвий таҳлилда ажратиш ва концентрлаш босқичлари ишончли топиш, идентификациялаш, миқдорий аниқлаш учун тўғридан-тўғри усуллар етарли бўлмаган ҳолларда зарурдир. Маълум усулларнинг хусусиятлари доимий равишда такомиллаштирилиб борилади, аммо ажратиш ва концентрлашнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.



Диссертациянинг иккинчи боби **“Табиий сувлардаги оғир металл ионларини спектрофотометрик ва сорбцион-фотометрик аниқлаш”** деб номланган бўлиб, тадқиқотларни бажариш учун керак бўлган жиҳозлар, тадқиқот усуллари, стандарт ва ишчи эритмаларни тайёрлаш усуллари, сақлаш муддати, идишларни тозалаш, намуналар танлаш ва уларни тайёрлаш усуллари келтирилган. Тадқиқотларни муваффақиятли ўтказиш учун аналитик, экологик ва оптик таҳлил усулларининг барча талабларига жавоб берадиган замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар ишлатилган.

Тадқиқотларда олинган маълумотларни жаҳон илмий адабиётларида маълум бўлган математик қайта ишлашнинг асосий усуллари, шунингдек, ОЗМ нинг миқдорини аниқлашнинг қуйи чегаралари – сезгирлик, ишлаб чиқилган усулларнинг сифатини баҳоловчи мезон ҳисобланади.

ОЗМ ни концентрлаш жараёнида ишлатилган ионитларнинг формуллари 1-жадвалда келтирилган.

### 1 жадвал

#### Ионитларнинг маркаси ва формуласи

| Ионит маркалари | Тузилиш формуласи  | Муаллифлар  |
|-----------------|--|---|
| КФГ-1           |  | ЎЗР патенти, IAP 05534,<br>Комплекс ҳосил қилувчи ионит олиш усули, Тураев Х.Х., Джалилов А.Т., Эшқурбонов Ф.Б., 09.01.2018 |
| ТФГ-1           |  | ЎЗР патенти, IAP 05533,<br>Комплекс ҳосил қилувчи ионит олиш усули Тураев Х.Х., Джалилов А.Т., Эшқурбонов Ф.Б., 09.01.2018  |

КФГ-1 ва ТФГ-1 ионитларининг сорбцион қобилиятини (R,%; Q, мг/г; K; D) аниқлаш учун оғир металл ионларини эритмалардан сорбциялагандан сўнг қолдиқ эритмалардаги миқдорини аниқлаш спектрофотометрик усулда амалга оширилган. Сорбциядан сўнг ОЗМ нинг қолдиқ концентрациялари, шунингдек десорбциядан кейин уларнинг концентрациялари 4-(2-Пиридил-азо)-резорцин (ПАР) реактиви билан стандарт эритмалар учун аниқланди.

Учинчи боб “Сурхондарё дарёсининг сувлари таркибидаги оғир заҳарли металл ионларини аниқлашнинг спектрофотометрик ва сорбцион-фотометрик усуллари ишлаб чиқиш ва аналитик баҳолаш” деб номланган бўлиб, бу бобда табиий сувлар таркибидаги ОЗМ ни аниқлашнинг спектрофотометрик ва сорбцион-фотометрик усуллари ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган усулларнинг метрологик тавсифлари ҳамда уларни реал объектларда қўллаш имкониятларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Тадқиқотлар металл ионларининг индивидуал эритмаларидан статик шароитларда олиб борилди. Дастлабки ва мувозанат эритмалар таркибидаги металл ионларининг миқдори спектрофотометрик усул ёрдамида аниқланди. Ютилган металл ионларининг миқдори ( $m_M$ ) бошланғич ва мувозанат концентрациялари ўртасидаги фарқдан ҳисоблаб чиқилган. Ионитларнинг эритмалар билан контакт вақти 2 соатни ташкил қилди, эритманинг рН қиймати потенциометрик усул билан аниқланди. Олинган тадқиқот натижалари Dowex ва Chelex каби ионитларнинг саноат намуналари билан билан таққосланди. Тадқиқот натижалари 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

### Ионитларнинг модел эритмалари таркибидаги ОЗМ ионлари учун оптимал эритма рН ларида сорбцион сиғими, $COE$ , мг-экв/г, $C=0,1$ н., $t=20$ °С

| Ионитлар | Ионоген гуруҳлар | Кўрсаткичлар | ОЗМ ионлари |           |           |           |           |           |
|----------|------------------|--------------|-------------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|
|          |                  |              | $Cu^{2+}$   | $Hg^{2+}$ | $Pb^{2+}$ | $Zn^{2+}$ | $Cd^{2+}$ | $Cr^{3+}$ |
| КФГ-1    | =NH,<br>-COOH    | САС          | 3,7         | 3,2       | 2,8       | 2,2       | 3,4       | 2,4       |
|          |                  | рН           | 4,5         | 4,12      | 4,12      | 4,28      | 5,11      | 4,78      |
| ТФГ-1    | =NH,<br>-COOH    | САС          | 3,9         | 3,5       | 2,6       | 2,5       | 3,5       | 2,5       |
|          |                  | рН           | 4,7         | 4,14      | 4,61      | 4,35      | 4,56      | 4,35      |
| Dowex    | =NH,<br>-COOH    | САС          | 3,7         | 3,3       | 2,5       | 2,6       | 3,3       | 2,7       |
|          |                  | рН           | 4,6         | 4,50      | 4,16      | 4,31      | 4,50      | 4,28      |
| Chelex   | =NH,<br>-COOH    | САС          | 3,8         | 2,7       | 2,9       | 2,7       | 3,6       | 2,4       |
|          |                  | рН           | 4,5         | 4,11      | 4,27      | 4,65      | 4,08      | 4,36      |


Амалиётда, мис ионларини динамик шароитда сорбция қилиш истиқболли ҳисобланади. Шу мақсадда, тадқиқ этилаётган эритмаларнинг оқим тезлиги, концентрацияси, ҳарорат ва бошланғич эритманинг рН даражасига қараб, КФГ-1 ва ТФГ-1 ионитларида тажриба ўтказилди. Шуни таъкидлаш керакки, ионитларнинг  $H^+$  шаклини танлаш статик шароитда, сорбцияни ўрганаётганда туз шаклига қараганда кўпроқ самарали бўлади.

Мис сульфатнинг эритмаси оқим тезлигининг мис ионларининг сорбция тезлигига таъсирини ўрганиш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

**Мис ионлари сорбциясининг эритмалар оқим тезлигига боғлиқлиги**  
 ( $C_{\text{дас}} \text{CuSO}_4=0,1 \text{ н; } t=20\pm 2^\circ\text{C;}$  колонкалар диаметри  $d_k=14 \text{ мм}$ )

| Ионитлар | Эритма оқимининг тезлиги $W$ , мл/сек | Мис ионлари учун тўлиқ динамик алмашиниш сифими $m_{\text{дин}}$ , мг-экв/л | Ионитнинг тўлиқ тўйиниш вақти $\tau_{\text{тўй}}$ , сек |
|----------|---------------------------------------|---|---|
| КФГ-1    | 1,70                                  | 1,03  | 485   |
|          | 0,72                                  | 1,42  | 2400  |
|          | 0,34                                  | 1,86  | 4000  |
|          | 0,31                                  | 1,92  | 6850  |
|          | 0,22                                  | 2,35  | 9760  |
| ТФГ-1    | 1,80                                  | 1,01  | 515   |
|          | 0,78                                  | 0,88  | 1012  |
|          | 0,41                                  | 1,18  | 2025  |
|          | 0,27                                  | 1,39  | 4400  |
|          | 0,15                                  | 1,50  | 6700  |


3-жадвалдаги маълумотлар КФГ-1 ва ТФГ-1 учун эритма оқим тезлигининг ошиши мис ионларининг сорбциясини деярли 2 барабар камайганлигини, сорбция жараёнининг давомийлиги эса 15 мартадан кўпроқ қисқарганлигини кўрсатади. Сорбция қиймати ва жараён давомийлиги асосида эритманинг оптимал оқими тезлиги  $W=0,36\div 0,4$  мл/сек га тенг бўлади.



**1-расм. КФГ-1 (а) ва ТФГ-1 (б) ионитлари сорцион қобилиятларининг муҳит рН ига боғлиқлиги.**


Полимер кислоталар ва асосларни титрлаш одатда эритманинг ион кучининг юқори қийматларида амалга оширилади ( $p = 0,5-2$ ). Акс ҳолда, ионитнинг фаол гуруҳларининг таъсири туфайли титрлаш чизиғида сакраш аниқ кўринмайди ёки умуман бўлмаслиги мумкин. Потенциометрик титрлаш эгри чизиқларининг барча серияларида эритмаларнинг доимий ион кучи 1 га тенг бўлиб, улар индефферент электролит  $\text{NaCl}$  нинг эритмаси фониде тайёрланган. Олинган маълумотларга асосланиб,  $Q$  (титрант миқдори), ммол/г - рН координатасида потенциометрик титрлаш эгри чизиғи чизилди. Интеграл титрлаш эгри чизиғидаги эквивалент нуқталарини аниқлаш учун  $Q - dpH/dQ$

координаталарида дифференциал эгри чизик чизилди (2-расм). Титрлаш эгри чизиклари босқичма-босқич тузилишга эга, бу биз ўрганган ионитларнинг полифункционал хусусиятларини кўрсатади.



**2-расм. КФГ-1 (а) ва ТФГ-1 (б) ионитларини NaOH эритмаси билан интеграл ва дифференциал потенциометрик титрлаш эгри чизиғи.**

Эритма рН ининг эритмага қўшилган ишқор миқдорига боғлиқлигини акс эттирувчи титрлаш эгри чизиғи, сорбентнинг максимал сифимини аниқлашга ва фаол гуруҳларнинг рК қийматлари тўғрисида фақат сифатли хулосалар чиқаришимизга имкон беради. Кислота гуруҳларининг ионланиш доимийликлари ( $pK_{\text{ион}}$ ) потенциометрик титрлаш маълумотлари асосида Гендерсон-Гассельбах тенгламасидан фойдаланиб ҳисобланди.



**3-расм. Мис(II)нинг сорбцияси натижасида алмашинган протонлар сонини аниқлаш графиги.**

**4-жадвал  
Мис (II) сорбцияси вақтида ажралган протонлар сонини (n) аниқлаш)**

| КФГ-1         |    |                       | ТФГ-1         |    |                       |
|---------------|----|-----------------------|---------------|----|-----------------------|
| pH            | R  | $\lg \frac{R}{100-R}$ | pH            | R  | $\lg \frac{R}{100-R}$ |
| 2             | 3  | -1,509                | 2             | 8  | -1,061                |
| 3             | 12 | -0,388                | 3             | 15 | -0,753                |
| 4             | 38 | 0,034                 | 4             | 30 | -0,368                |
| 5             | 56 | 0,825                 | 5             | 53 | 0,052                 |
| 6             | 79 | 1,005                 | 6             | 78 | 0,550                 |
| tgα=1,19; n=1 |    |                       | tgα=0,92; n=1 |    |                       |


**5-жадвал**

**Ионитларнинг кислота асосли гуруҳларининг ионланиш доимийликлари рК**

| Ионит | $pK_n$ | $pK_d$ | Титрланадиган гуруҳлар     |
|-------|--------|--------|----------------------------|
| КФГ-1 | $pK_1$ | 4,15   | Карбоксил гуруҳ протонлари |
|       | $pK_2$ | 9,38   | Аминогуруҳ                 |
| ТФГ-1 | $pK_1$ | 4,47   | Карбоксил гуруҳ протонлари |
|       | $pK_2$ | 9,24   | Аминогуруҳ                 |

Олдиндан танланган оптимал кислоталикни ҳисобга олган ҳолда, таркибида 50 мкг элемент ва 50 мг ионит бўлган 25 мл ҳажмдаги

эритмалардан сорбция жараёнига вақт ва ҳароратнинг таъсири ўрганилди. Биринчи серияли эритмалар хона ҳароратида 10, 20, 30, 45, 60, 90, 120 дақиқа давомида аралаштирилди, бошқа серияларнинг эритмалари 30-80°C ҳарорат оралиғида қиздирилиб, берилган ҳароратда 5, 10, 15, 30, 45 ва 60 дақиқа аралаштирилди. Олинган маълумотларга асосланиб, ионитнинг элементлар бўйича сорбция даражасининг эритма билан контакти давомийлигига ва ҳароратга боғлиқлик графиги чизилди. Олинган боғлиқликдан сорбциянинг оптимал вақти ва ҳарорати аниқланди.



**4-расм. Ионитларнинг металл ионлари бўйича статик алмашинув сиғимининг вақтга боғлиқлиги ( $C_M=0,1$  н,  $m_{\text{сорб}}=0,1$  г,  $pH=6$ ,  $V=10$  мл).**

Олинган маълумотларга кўра, хона ҳароратида 40-80 минутда оптимал pH да турли хил “элемент-ионит” системаларида юқори сорбция даражасига эришилди.

**Аниқлаш усули.** Бажарилиши кўзда тутилган вазифага кўра (РЭМ ёки унинг улушларини аниқлаш), таҳлил қилинган сувнинг бошланғич ҳажми мос равишда 50 дан 250 мл гача ўзгариб туради.


Оғирлиги 0,030 г бўлган сорбентлар конуссимон колбаларга (50 - 250 мл) жойлаштирилди, таркибида аниқланадиган металл ионлари бўлган сувли эритмалар (калибрлаш эритмалари ёки таҳлил қилинган сув) қўшилди ва сорбция статик шароитда 2 соат давомида амалга оширилди, шунингдек, эритманинг  $pH=5-6$  қиймати универсал индикатор қоғоз билан буфер эритма қўшилмасдан назорат қилинди. Кейин сорбентлар аниқланадиган металл ионининг эритмасидан ажратилди, дистилланган сув билан ювилди ва қолдиқ сувни олиб ташлаш учун фильтр қоғозига жойлаштирилди. Сорбциядан кейин сорбентлар стаканларга жойлаштирилди ва десорбция учун элюент эритмаси куйилди (концентрацияси 0,01, 0,1 ёки 1 М,  $V = 5$  мл). Десорбциядан сўнг (десорбция  $\tau = 1$  с.), металл ионлари бўлган кислотали эритмалар 25 мл ҳажмли ўлчов колабаларга ўтказилди, сўнгра 0,1 М NaOH эритмасидан нейтрал pH га келгунча томчилатиб қўшилди ва pH универсал индикатор қоғоз ёрдамида назорат қилинди. Сувли эритмаларга ПАР ( $c = 8 \cdot 10^{-5}$ М), ацетат-аммиакли буфер эритмаси ( $pH = 10$ ) қўшилди ва дистилланган сув билан белгисигача суюлтирилди. Сўнгра, оптик зичликни спектрофотометрик

ўлчаш  $\lambda_{\max} = 520$  нм да амалга оширилди. Металл ионларининг миқдори десорбция ўтказиладиган эритма ҳажмини ҳисобга олган ҳолда калибрлаш графигига мувофиқ (5-расм, 6, 7-жадвал) топилди.

**6-жадвал**

**Даражаланган график тузиш учун қўرғошин тузи концентрацияси, ПАР, буфер эритмалар ва алликвотлар ҳажми**

| № п/п | $c(\text{Pb}^{2+}), \text{M}$ | $V(\text{Pb}^{2+}), \text{мл}$ | $c, \text{M}; V(\text{ПАР}), \text{мл}$ | $V(\text{буфер}), \text{мл}$<br>$\text{pH} = 10$ |
|-------|-------------------------------|--------------------------------|---|--|
| 1     | $8 \cdot 10^{-6}$             | 0,08                           | 8·10 <sup>-5</sup> ;<br>0,3             | 4,62   |
| 2     | $1 \cdot 10^{-5}$             | 0,1                            |   | 4,6  |
| 3     | $2 \cdot 10^{-5}$             | 0,2                            |   | 4,5  |
| 4     | $3 \cdot 10^{-5}$             | 0,3                            |   | 4,4  |
| 5     | $4 \cdot 10^{-5}$             | 0,4                            |   | 4,3  |
| 6     | $5 \cdot 10^{-5}$             | 0,5                            |   | 4,2  |



**5-расм. Металл ионларини спектрофотометрик аниқлаш учун даражали график.**

**7-жадвал**

**ПАР реагенти ёрдамида спектрофотометрик усулда аниқланган ОЗМ ионлари учун даражали график катталиклари**

| $C, \text{мг/л}$     | $A, \text{Cu (II)}$ | $A, \text{Cd (II)}$ | $A, \text{Zn (II)}$ | $A, \text{Pb (II)}$ | $A, \text{Hg (II)}$ | $A, \text{Cr (III)}$ |
|----------------------|---------------------|---------------------|---------------------|---------------------|---------------------|----------------------|
| 0,5                  | 0,2                 | 0,6                 | 0,18                | 0,05                | 0,4                 | 0,15                 |
| 1,0                  | 0,4                 | 1,2                 | 0,26                | 0,15                | 0,6                 | 0,34                 |
| 1,5                  | 0,8                 | 1,6                 | 0,45                | 0,27                | 0,98                | 0,45                 |
| 2,0                  | 1,2                 | -                   | 0,65                | 0,35                | 1,17                | 0,56                 |
| 2,5                  | 1,4                 | -                   | 1,13                | 0,43                | 1,42                | 0,62                 |
| 3,0                  | -                   | -                   | 1,47                | 0,52                | -                   | 0,77                 |
| 3,5                  | -                   | -                   | -                   | 0,6                 | -                   | 0,91                 |
| 4,0                  | -                   | -                   | -                   | 0,78                | -                   | 1,05                 |
| pH                   | 2-12                | 9,8-10,4            | 6-10                | 10                  | 10-11               | 5-7                  |
| $\lambda, \text{нм}$ | 500                 | 495                 | 495                 | 520                 | 500                 | 540                  |
| E                    | 71800               | 84000               | 63400               | 40000               | 68700               | 47000                |
| У                    | $0,559x-0,024$      | $x+0,133$           | $0,49x-0,081$       | $0,195x-0,045$      | $0,604x+0,116$      | $0,247x+0,0519$      |

6-расмдаги схемада оғир металллар ионларини ионитлар ёрдамида олдиндан концентрлаш, сўнгра РЭК қисми даражасида селектив спектрофотометрик аниқланишнинг тавсия этилган усули келтирилган.



**6-расм. Дастлабки концентрлаш ёрдамида оғир металларни аниқлаш схемаси.**

Ишлаб чиқилган спектрофотометрик усулнинг тўғрилигини назорат қилиш "киритилди-топилди" усули билан амалга оширилди.

Ўрганилган дарёлар қор-музлардан тўйинади ва атмосфера ёғинлари суяқ фракциянинг кимёвий таркибини шакллантиришда асосий рол ўйнаши керак. Сурхондарё дарёларининг оқим тизими Боботоғнинг тоғли ҳудудларида 45 минг км<sup>2</sup> атрофида ҳосил бўлади, бу ерда ёғингарчилик кўпайиб, қор ва музнинг кўп йиллик заҳиралари мавжуд. Сурхондарёнинг турли дарёларида олинган намуналарнинг элементар таркиби тўғрисидаги маълумотлардан кўриш мумкинки, ОЗМ - Cu, Cr, Zn, Hg, Pb - дарё сувлари таркибида асосан эриган ҳолатда бўлиб, бир хил даражада эриган ҳолатдаги Zn, Cr, Cu, Hg ва Pb элементларнинг дарё сувларидаги миқдори ёмғир сувларидагига нисбатан бир оз кўпроқ.

Кўришиб турибдики, ёғингарчилик ушбу элементлар учун дарё оқими шаклланишида асосий рол ўйнайди, шунинг учун ёғингарчилик қурғоқчил зонанинг юза сувларида оғир металларнинг эриган қисмининг шаклланишининг асосий манбаи ҳисобланади.

4-жадвалда ўрганилаётган сувлардаги баъзи бир кимёвий элементларнинг кучли корреляцияланган жуфтликлари учун регрессия тенгламаларининг параметрлари ( $y = ax + b$  типидagi) келтирилган. Ушбу тенгламалардан фойдаланиб дарё сувларидаги баъзи захарли элементларнинг миқдорини тахминий ҳисоблаш ва башорат қилиш мумкин. Кўпгина ҳолларда тенгламалардан бошқа кимпонентлар таркибидан ўрганилаётган элементларнинг миқдорини аниқлик билан ҳисоблашда қўлланилади. Кўриб чиқиладиган минтақа сувларидаги миснинг кимёвий ҳолатини математик моделлаштириш шуни кўрсатдики, мусбат зарядли гидратланган  $Cu^{2+}$  иони доминант элементдир (8-жадвал).

**8-жадвал**


**Сурхондарё дарёси сувлари таркибидаги баъзи элементлар учун регрессияни ҳисоблаш параметрлари (Тупаланг дарёси, 2018)**

| Элементлар | Y= A+Bx |       | r, x, y |
|------------|---------|-------|---------|
|            | A       | B     |         |
| Cr-Cu      | 0,15    | 0,054 | 0,55    |
| Cr-Zn      | 3,6     | 1,81  | 0,56    |
| Hg-Cu      | 0,016   | 0,129 | 0,64    |
